

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.06.2018.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

РИХСИЕВ ДИЛМУРОД ХОДЖИАКБАРОВИЧ

**ТЕМИР ЙЎЛ АВТОМАТИКА ВА ТЕЛЕМЕХАНИКА ТИЗИМЛАРИ
РЕЛЬС ЗАНЖИРЛАРИНИНГ ИМПУЛЬС-ФАЗАЛИ
ЙЎЛ ҚАБУЛ ҚИЛГИЧИ**

05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Рихсиев Дилмурод Ходжиакбарович

Темир йўл автоматика ва телемеханика тизимлари
рельс занжирларининг импульс-фаза ли йўл қабул қилгичи..... 3

Рихсиев Дилмурод Ходжиакбарович

Импульсно-фазовый путевой приёмник рельсовой цепи
систем железнодорожной автоматики и телемеханики..... 19

Rikhsiev Dilmurod Khodzhiakbarovich

Pulse-phase track receiver of a rail circuit systems railway
automatics and telemechanics 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 38

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.06.2018.T.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

РИХСИЕВ ДИЛМУРОД ХОДЖИАКБАРОВИЧ

ТЕМИР ЙЎЛ АВТОМАТИКА ВА ТЕЛЕМЕХАНИКА ТИЗИМЛАРИ
РЕЛЬС ЗАНЖИРЛАРИНИНГ ИМПУЛЬС-ФАЗАЛИ
ЙЎЛ ҚАБУЛ ҚИЛГИЧИ

05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида №В 2018.4.PhD/T951 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashiit.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Арипов Назиржон Мукарамович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Худайберганов Кобилжон Тахирович
техника фанлари доктори, профессор

Халматов Давронбек Абдалимович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳузуридаги PhD.28.06.2018.T.73.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «26» январ соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100167, Тошкент, Одилхужаев кўчаси, 1 уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru.

Диссертацияси билан Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент, Одилхужаев кўчаси, 1 уй. Тел: (99871) 299-00-01

Диссертация автореферати 2019 йил “ ___ ” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “ ___ ” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Э. Адилходжаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Я.О. Рузметов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

Н.Н. Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда темир йўл транспорти юқори тезюрар ҳаракат таркиблари хавфсизлигини таъминловчи назоратлаш, йўлкаларни бошқаришнинг автоматика ва телемеханика воситалари, қурилмалари, элементларини янги технологиялар асосида такомиллаштиришда етакчи ўринни эгалламоқда. Шу жиҳатдан, хавфсизликни таъминлаш жараёнида асосий юклама остида ҳаракатланувчи релелар, уларнинг тузилиш схемалари, шунингдек, ишончлилигини таъминловчи элементларнинг ҳаракат давомида емирилиши каби омилларни бартараф этишда қўлланиладиган микропроцессорли схемаларни ишлаб чиқиш ва мавжуд тизимлар билан мослаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида, жумладан АҚШ, Англия, Франция, Испания, Германия, Япония, Хитой ва бошқа давлатларда, юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар учун темир йўлларни лойиҳалаш, автоматика ва телемеханика тизимларини тузишда, уларнинг барқарорлиги, ишончлилиги, ўз-ўзини назоратлаш ва буйруқ берувчи мураккаб тизимларни ишлаб чиқишга катта аҳамият берилмоқда.

Жаҳонда темир йўл автоматика ва телемеханика асбоб-ускуналари, қурилмалари ва элементларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган автоматик бошқариш назариясига, рельс занжирларини схемаларини замонавийлаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу йўналишда, жумладан рельс занжирларини турли электрон элементлар базаси асосида йўл қабул қилгич қурилмаларини такомиллаштириш, электр магнит мослаштиришнинг янги математик моделларини ишлаб чиқиш, темир йўл йўлкаларида ҳосил бўладиган турли халақитларни сўндиришнинг янги схемаларини ишлаб чиқиш, назорат қилиш ва бошқаришда микроконтроллер базаси асосида ташкил этилган микропроцессорли тизимларни, уларнинг бошқариш алгоритмлари ва дастурий таъминотларини ишлаб чиқиш муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, юқори тезликда ҳаракатланувчи таркибларни назорат қилиш ва бошқаришда қўлланиладиган механик релелар ўрнига микропроцессорли импульс-фазали йўл қабул қилгичларни ишлаб чиқиш зарур ҳисобланмоқда.

Республикида турли транспорт соҳаларини ривожлантириш, жумладан темир йўл транспорти инфратузилмасини ривожлантириш, юқори тезликда ҳаракатланувчи таркиб йўлкаларини кенгайтириш, мавжуд йўлкаларни электрлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...транспорт-коммуникация ва социал-инфратузилмавий лойиҳаларни ечишга йўналтирилган фаол инвестицион сиёсат, ...ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, ...ишлаб чиқаришга энергия тежовчи технологияларни кенг тадбиқ этиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифани амалга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ошириш, жумладан рельс занжирларини халақит бардошлилигини оширувчи, маълумотларга рақамли ишлов бериш асосида импульс-фазали усуларини ишлаб чиқиш ва уларинг ижро этувчи элементларини такомиллаштириш зурур вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси «Темир йўл транспорти тўғрисида» ги Қонуни (1999), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ги Қарори ҳамда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика тизимларини модернизациялаш, ҳаракат таркиби ҳаракат хавфсизлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш бўйича долзарб масалаларни ечишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёдаги етакчи илмий марказлар, олий ўқув юртлари ва номдор чет эл фирмаларида, жумладан Massachusetts Institute of Technology (США), Dresden University of Technology (Германия), Università degli Studi di Torino (Италия), Technische Universität Wien (Австрия), «Siemens», «Bombardier», Петербург давлат темир йўл университети (Россия), Россия транспорт университети (Россия, МИИТ), Тошкент темир йўл муҳандислари институти, «Боштранслоиҳа» АЖ (Ўзбекистон) да амалга оширилган.

Темир йўлда автоматика ва телемеханика тизимлар иши унумдорлиги ва ишончилигини ошириш масалаларини ечиш бўйича Ю.А. Кравцов, А.М. Брылеев, В.В. Сапожников, Вл.В. Сапожников, В.М. Лисенков, Н.Ф. Котлеренко, В.С. Дмитриев, М.Н. Василенко, А.Б. Никитин, А.М. Костроминов, Г.Д. Казиев, В.А. Кобзев, В.И. Сороко, F.Bailey, G.Teeg, E.Andres, T Brendt, U. Mashek, D. Mongradi, Y. Paxl, D. Straetton ва кўпгина бошқа йирик олим ва мутахассислар сезиларли даражада ўз ҳиссасини қўшган. Бундан ташқари, транспорт логистик тизимлар ва транспортли жараёнлардан фойдаланишни назарий-амалий таҳлил қилиш усуллари бўйича масалалар тадқиқотига, поездлар ҳаракатини ташкил қилишда техник-технологик ечимларга, темир йўл автоматика ва телемеханика тизимларига, шунингдек бошқаришдаги автоматлаштириш воситаларига мамлакатимиздаги таниқли олимлар: М.Х. Расулов, Н.Н. Ибрагимов, К.Т. Худойберганов, А.А. Халиков, Н.М. Арипов, С.Ф. Амиров, Д.Х. Баратов, М.М. Алиев, Ш.Р. Хорунов, А.А. Азизов, И.К. Колесников, Р.М. Алиев, М.А. Ходжиму-

хаметова, С.К. Худойбергенов, Ж.Р. Кабулов ва бошқаларнинг ишларида алоҳида эътибор берилган.

Бироқ бу ишларда янги принцип ва замонвий тизимларни тўла ҳажмда қўллаш имкониятларидан кенг фойдаланилмаган, хусусан темир йўл транспортдаги халақитли вазиятларнинг ноқулай шароитларида йўлнинг ҳолати ҳақидаги маълумотни юқори аниқлик билан узатадиган сигналларга рақамли ишлов беришда, рельс занжирларини импульс-фазали ҳимоялаш усули асосида микропроцессорли қурилмалар ёрдамида такомиллаштириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация талқиқоти Тошкент темир йўл муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А-03-55 «Ўзбекистон истиқболли ва тезкор темир йўл автоматика ва телемеханика қурилмаларини ҳисобга олиш ва назорат қилишни автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш» (2015-2017), №БВ-Атех-2018-109 «Ўзбекистонда истиқболли ва тезкор темир йўл автоматика ва телемеханика қурилмаларини ҳисобга олиш ва назорат қилишни штрих-кодлашни қўллаган ҳолда интеллектуал автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади темир йўл автоматика ва телемеханика тизимларида станциянинг рельс занжирларидаги импульс-фазали йўл қабул қилгичини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

рельс занжирининг йўл қабул қилгичини ташқи халақитлар манбаидан импульс-фазали ҳимоялаш усулини қўллашни асослаш;

рельс занжирларини халақитлардан ҳимояланишини ошириш учун микропроцессорли ва электрон-релели йўл қабул қилгичини яратиш;

халақит қилувчи таъсирларнинг турли даражаларида йўл қабул қилгичининг фаза ва частотавий хусусиятларини тадқиқот қилиш учун математик моделни ишлаб чиқиш;

импульс-фазали йўл қабул қилгич тадбиқ этилганда поездлар ҳаракатини узлуксизлигини таъминлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида темир йўл автоматика ва телемеханика тизимларида станциянинг рельс занжирлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети рельс занжирларидаги йўл қабул қилгичининг халақитга бардошлилигининг фаза ва частотавий тавсифларини математик моделлаш усуллари ва ҳисоблаш алгоритминини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида электрон занжирлар назарияси, Z-ўзгартгичлар ва Фурьенинг тезкор ўзгартиришлари ёрдамида сигналларга рақамли ишлов бериш, импульс-фазали қабул қилгичнинг тавсифларини тажрибавий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли хилдаги халақитлардан рельс занжирларини ҳимоялашнинг импульс-фазали усули станциядаги рельс занжирларининг ишлаш қобилия-

тини ошириш учун сигналга импульсли белгиларни киритиш ёрдамида асосланган;

йўл қабул қилгичнинг филтрлаш чегаравий имкониятларини ҳисоблаш ва ундаги назоратини амалга ошириш учун фаза бурчагининг шаффофлигини ростлаш асосида фазавий тавсифлар аниқланган;

поездлар ҳаракати узлуксизлигини оширилишига таъсирини баҳолаш учун частотали селекция принципи асосида йўл қабул қилгичини частотавий хусусиятларининг математик модели ишлаб чиқилган;

рельс занжирлари ишлашини инкор қилиш ва унинг ишдан узилиши ҳамда кўрсаткичларининг оғишини ишончли ва ўз вақтида кузатиш орқали станциядаги рельс занжирлари ишлаш қобилятини ошириш мақсадида микропроцессорли импульс-фазали йўл қабул қилгичи ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ташиш жараёнини ишончли бошқариш учун рельс занжирлари аппаратурасига техник талабларни ҳисобга олган ҳолда микропроцессорли қабул қилгичнинг ишлаш қобилятини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

рельс занжирлари барқарорлигига халақитлар таъсирини баҳолаш ва чегаравий филтрлаш имкониятларини аниқлаш учун ташқи халақитларнинг турли даражаларида йўл қабул қилгичининг фаза ва частотавий тавсифларини ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги импульс-фазали йўл қабул қилгичининг барча таркибий қисмларини ўзаро мувофиқ ишлаши натижасида математик тарзда ҳисоблаб чиқилган кўрсаткичларининг темир йўл станцияси рельс занжирларида тажрибавий тасдиқлашлар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти частотавий асинхрон двигателли ҳаракат таркибидаги тортқили токнинг узлуксиз халақитлари, тескари тортқили токни асимметрияси ҳамда ёндош блок-участкалар тоқларининг таъсирида, рельс занжирини барқарорлиги таъминлаш мақсадида импульс-фазали ҳимоялаш усулини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги микропроцессорли импульс-фазали йўл қабул қилгичини яратиш, ишлаб чиқилган қабул қилгични станция рельс занжирларида кенг қўлланилиши ҳамда уларнинг ишлаш қобилятини ошириш мақсадида ташқи халақитларни турли даражаларида, йўл қабул қилгичларининг фаза ва частотавий тавсифларини ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Темир йўл автоматика ва телемеханика тизимлари рельс занжирлари учун ишлаб чиқилган импульс-фазали йўл қабул қилгичи бўйича олинган натижалар асосида:

турли хилдаги халақитлардан рельс занжирларини ҳимоялашнинг импульс-фазали усули «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасаруфидаги «Салар» станциясига рельс занжирларини ишлатиш ва модернизациялаш амалиётига жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2018 йил 13 ноябрдаги НГ/6388-18 – сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот

натижасида йўл қабул қилгичнинг асосий блоки сифати ишлатиладиган фаза-частотавий анализатор рельс занжирини хавфли инкор этишлардан, ёндош рельс занжирлари таъсиридан электр тортқили ва бошқа халақит манбаларидан химоялаш имконини берган;

поездлар ҳаракати узлуксизлигини оширилишига таъсирини баҳолаш учун частотали селекция принципи асосида йўл қабул қилгичини частотавий хусусиятларининг математик модели «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасаруфидаги «Салар» станциясига йўл қабул қилгич занжирларини такомиллаштириш учун жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2018 йил 13 ноябрдаги НГ/6388-18 – сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида юқори ўзгарувчан торқили ток ва унинг гармоникалари таъсирларидан йўл қабул қилгичнинг халақитга бардошлилигини яхшилаш орқали станциядаги поездлар ҳаракат хавфсизлигини ошириш имконини яратган;

станциянинг рельс занжирлари ишлаш қобилиятини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган STM32F103 микроконтроллер негизидаги импульс-фазали йўл қабул қилгичи «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасаруфидаги «Салар» станциясига автоматика ва телемеханика қурилмасини такомиллаштириш учун жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2018 йил 13 ноябрдаги НГ/6388-18 – сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида йўл қабул қилгичнинг контактли ДСШ туридаги механик релелар ўрнига контактсиз тезкор микроконтроллерли бошқарувчи қурилмани ўрнатish орқали юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар хавфсизлигини таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманлар, шу жумладан 4 та халқаро анжуманлар ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, хорижий журналларда 1 та мақола, республика журналларида 4 та мақола чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 1 та ЭҲМ дастурларига гувоҳномаси мавжуд.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетдан ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида диссертацияда ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси илм ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Рельс занжирларини замонавий ҳолати ва халқитлардан химояланганлигини ошириш масалалари»** деб номланган

биринчи бобида темир йўлдаги автоматика ва телемеханикада рельс занжирларини замонавий ҳолати ва ривожланишини таҳлили келтирилди ва кўриб чиқилди. Таҳлил асосида темир йўл блок-участкаси ҳолати ҳақидаги маълумотни тезкор олишда механик элементларни минималлаштириш ва амалдаги йўл қабул қилгичларни модернизациялаш кераклиги ҳақида хулоса қилинган. Шу жиҳатдан, автоматик локомотив сигналлаштириш кодлари рельс занжирларининг йўл қабул қилгичлари ва генераторларида жойлаштирилган электрон узатгичлардан берилиши ҳамда кодли кўрсаткичлар эса ҳар бир давлатнинг талабларига мувофиқ қайта дастурланиш имкониятига эга бўлиши керак. Шуннинг учун, рельс занжири элементларининг хизмат муддатини ва хизмат кўрсатиш бўйича профилактик ишларни минимумга келтириш; уларнинг ишлаш барқарорлиги ошириш; жаҳон бозорида темир йўл автоматика ва телемеханика қурилмаларини рақобатдошлигини таъминлаш мақсадида лойиҳалаш ва монтаж учун харажатларни ва апаратура сарфларини пасайтириш талаб этилади.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, намунавий узлуксиз рельс занжирларидаги икки элементли секторли фазасезгир реле йўл қабул қилгичи етарли даражада поездлар ҳаракати узлуксизлигини таъминлай олмайди. Ўзбекистонда станцияларидаги рельс занжирларининг тахминан 70% ДСШ турларидаги релелар билан жиҳозланганлигини ҳисобга олиб, хавфли бузилишлар эҳтимоллигини башорат қилиш мумкин.

Импульсли-кодли рельс занжирлари узлуксиз халақитлардан яхши ҳимояланган, аммо ёндош рельс занжирлари таъсиридан қониқарсиз ҳимояга эга. Импульсли рельс занжири схемалар учун, йўл қабул қилгичларда, ёндош рельс занжири томонидан фазали ҳимоялаш усулини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу усулни ДСШ турдаги индукцион реле базасида амалга ошириш мумкин эмас.


Фазали ҳимоялаш принципи ишлатилганда, мавжуд йўл қабул қилгичлари, ёндош рельс занжирлари ва асинхрон юритмали электр ҳаракат таркибидаги инверторларининг ишлаши ҳамда 50 Гц ли саноат частотаси таъсирдан етарли даражада барқарор бўлмайди. Шу сабабли, ДСШ туридаги релели рельс занжирлари ишлашини импульсли режимга ўтказиш, узлуксиз рельс занжирларининг халақитларга барқарорлигини оширади, жумладан, ушбу режим поездларнинг тезлиги ортиши ва электр тортқи воситаларини такомиллаштириш шароитларида рельс занжирларини ишига ташқи халақитлар манбаи таъсирини камайтиради.

Йўллар тармоғида, тортқи туридан қатъий назар, рельс занжирларини лойиҳалаштириш 25 Гц ли частотада олиб борилади. Асосий кўпчиликни ташкил қиладиган халақитлар 50 Гц ёки унга қаррали частотада таъсир қилади (яъни, ўзгармас ток электр тортқиси бўлганда, тортиш ним станциялардаги филтёрларнинг бузилиш ҳолатларида). Тортқи токи ва унинг гармоникларини йўл қурилмаларига таъсири, рельс занжирлари ишидаги барча бузилишларнинг 20% ташкил қилади.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб, рельс занжирларини халақитлардан ҳимояланганлигини ошириш учун йўл қабул қилгичларни импульс-

фазали усул асосида такомиллаштириш зарурлигини қайд қилиш мумкин.


«Йўл қабул қилгичлар учун импульс-фазали усулни тадқиқот қилиш ва амалий жиҳатдан амалга ошириш» деб номланган иккинчи бобида блок схемаси 1-расмда кўрсатилган электрон-релели импульс-фазали йўл қабул қилгичи ишлаб чиқилган. Схемادا u_o ва u_c – мос равишда таянч ва



1-расм. Импульс-фазали йўл қабул қилгичининг блок схемаси

рельс линияси кучланишларидир. Қабул қилгичининг таркибига қуйидагилар киради: импульсли қувват анализатори (ИАМ); фазачастотавий анализатор (ФЧА); импульс-фазавий реле (ИФ) – импульсларни ўзгартиргичи (импульслар дешифратори ёки тўғрироғи динамик конъюктор, ДК). Сўнгра анализаторнинг фронтал контакти орқали сигнал u_c фазачастотавий анализатор ФЧА нинг киришига берилади. ФЧА уни таянч сигнал $u_o = U_o \sin \omega t$ билан таққослайди, агар таққослаш натижаси ижобий бўлса (сигнал u_c фазавий шаффофлик бурчаги φ доирасида жойлашган бўлса), фазачастотавий анализаторнинг чиқишига импульс-фазали реле ИФ уланади.

Темир йўл участкаларининг станциялардаги 25 Гц ли ўзгарувчан ток фазасезгир рельс занжирларида йўл релеси сифатида STM32F103 микроконтроллер базасидаги импульс-фазали йўл қабул қилгичини икки элементли секторли ДСШ туридаги йўл релелари ўрнида қўллаш таклиф этилади. 2-расмда микропроцессорли импульс-фазали йўл қабул қилгичининг блок схемаси келтирилган. Станциялардаги 25 Гц ли ўзгарувчан ток фазасезгир рельс занжирларига эга темир йўл участкаларида йўл релеси сифатидаги STM32F103 микроконтроллерли йўл қабул қилгичининг нормал ишлаши, 25 Гц частотали ўзгарувчан ток тармоғига тескари фазада уланиш орқали ўзгарткич ПМ (йўл релеларининг маҳаллий элементларини манбаловчи) нинг чиқиш кучланишини 90° бурчакка кечикиши ҳисобига таъминланади.




2-расм. Микропроцессорли импульс-фазали йўл қабул қилгичининг блок схемаси

Шу мақсадда, мувофиқ ҳолда уланган йўл элементи ЙЭ ўзгартиргич ПП (йўл кодли трансформаторни манбаловчи) нинг кириш J1 га уланган, маҳаллий элемент МЭ эса ўзгартиргич ПМ (маҳаллий элементларни манбаловчи) нинг J2 чиқишга тескари фазада уланган. ПМ ва ПП ларнинг бир пайтда уланиши натижасида, импульс-фазали қабул қилгичининг электрон релеси ишга тушади, ва ўзининг фронтал контактлари орқали рельс

занжирини йўл ва код трансформаторларининг манбалаш занжирларини туташтиради. Импульс-фазали йўл қабул қилгичининг электрон релесини ишлаши учун J3 киришга 24 В ли ўзгармас кучланиш берилади.

3-расмда микроконтроллер асосидаги импульс-фазали йўл қабул қилгичининг ишлаш алгоритми кўрсатилган.



3-расм. Микроконтроллер асосидаги импульс-фазали йўл қабул қилгичининг ишлаш алгоритми

Микропроцессорли йўл қабул қилгичида оптрон ажраткичнинг ишлатилиши, схеманинг барча элементларини яхши электрик изоляцияга эга бўлиши ва манбадан қабул қилгичга кетадиган бир томонлама йўналган сигнални узатишга имкон беради. Оптононлар ёрдамида турли частоталарга эга бўлган занжирлар, ўзгармас ва ўзгарувчан токли занжирлар, кучсиз занжирлар ва кучли занжирлар ўзаро уланади.

STM32F103 микроконтроллерини йўл қабул қилгичи схемасида қўлланилиши, амалдагиларга нисбатан электр токи сарфини 3 баробарга қамайтириш, 10 баробар тежамкорликка эришиш, ишга тушишлар сони бўйича 50 баробар усутунликка эга бўлиш ва йўл қабул қилгичига хизмат кўрсатишни соддалаштиришга имконни берди.

Учинчи боб «Импульс-фазали

йўл қабул қилгичининг тавсифларини тадқиқот қилиш ва унинг математик таърифи» деб номланиб, унда импульс-фазали қабул қилгичининг математик модели ишлаб чиқарилган. Ушбу қабул қилгичининг хусусиятларини эмпирик баҳолаш мураккаблигини ҳисобга олиб, диссертацияда маълум чекловлар қабул қилинган.

Агар киришдаги сигнал u_c таянч сигнал u_0 билан частота ва фаза бўйича мос келса ва, импульснинг нисбий кенглиги $Q = 2$ деб қабул қилинса, ярим давр мобайнида, остонавий элементдаги ўртача кучланиш учун қуйидагига эга бўламиз:

$$u_{cp} = \frac{2}{T_0} \int_0^{T_0/2} U_0 \sin \omega t = -\frac{2}{T_0} \frac{U_0}{\omega} \cos \omega t \Big|_0^{T_0/2} = \frac{2}{T_0} \frac{U_0}{\omega} \left(1 - \cos \omega \frac{T_c}{2}\right) = \frac{2U_0}{\pi}, \quad (1)$$

бунда T_c – кириш сигнали U_c нинг даври; T_0 – U_0 амплитудали таянч сигнал даври.


Фараз қиламиз, киришдаги сигнал таянч сигнал билан частота ва фаза бўйича мос келди. Тахмин қиламиз, $T_c/2$ ва $T_0/2$ ярим даврлар τ вақтга

силжиган. Унда остонавий элементдаги ярим давр мобайнидаги ўртача кучланиш

$$u_{cp} = \frac{U_0}{\pi} \left(1 + \cos \pi \frac{\tau}{T_0/2} \right) = \frac{U_0}{\pi} (1 + \cos \varphi), \quad (2)$$



бунда $\varphi = \pi \frac{\tau}{T_0/2}$ – фазавий шаффофлик бурчаги (УФП).

(2) ифода u_0 нинг турли қийматлари учун тавсиф $u_{cp} = f(\varphi)$ лар мажмуасини олиш учун ҳисоблаш ифодаси ҳисобланади (4-расм).



4-расм. Ўртача кучланишни фазавий шаффофлик бурчагига боғлиқлиги манбаи кучланишидан ночизиқли боғланишига эга.

$\pm \varphi = f(u_0)$ боғлиқликнинг энг юқори сезгирлиги $u_0 \approx u_{пор}$ бўлганда намоён бўлади.



5-расм. Фазавий шаффофлик бурчагини таянч кучланишга (а) ва остонавий кучланишга (б) боғлиқлиги

Шунинг учун, йўл қабул қилгичи учун u_0 катталиқни $u_{пор}$ нисбатан 1,5...2,5 маротабагача каттароқ танлаш мақсадга мувофиқ бўлади. $\Delta u_0 = 5 \dots 8$ В интервал ва $u_{пор} = 2,7$ В учун фазавий шаффофлик бурчагининг сезгирлик қиймати $\Delta \varphi / \Delta u_0 = 7,7$ град/В га, ва $u_{пор} = 3,2$ В учун эса сезгирлик $\Delta \varphi / \Delta u_0 = 10,3$ град/В га тенг бўлади.

ФЧА нинг частотали селекциялаш принципи шундаки, таянч частотадан фарқли бўлган халақитнинг кириш частотаси f_n да, транзисторлар остонавий элементга ярим тўлқин энергиясининг фақат бир қисмини ўтказди ва ундаги ўртача кучланиш камаяди. Таянч частота f_0 нинг ярим даврини $-T_0/2$ ва кириш частота f_n нинг ярим даврини $-T_n/2$ (улар тенг бўлмаган ҳолда кириш частотаси халақитни акс эттиради) деб белгилаймиз. Киришдаги халақитларнинг нисбий кенглиги 2 га тенг. Ярим ўтказгич асбоблардаги кучланишнинг бевосита йўқотишларини ҳисобга олмаймиз. Агар $T_0 > T_n$ ва $\{T_0/T_n\} \in N$ бўлса, (бунда N – бирга тенг бўлмаган натурал сон), унда ФЧА остонавий элементидаги ўртача кучланиш ўртача кучланишнинг ярмига тенг.

T_0/T_n нисбат жуфт ва $[0; T_0/2]$ бўлакчада у бутун сон маротаба жойлашади деб фараз қиламиз. Унда нисбий кенглиги $Q = 2$ бўлганда, таянч частота ω нинг ҳар бир ярим тўлқини, вақт бўйича ярим даврнинг марказига нисбатан қатъиян симметрик тенг бўлакларга бўлинади. Биекцияни қўллаб, транзисторли калитлар ўтказувчанлигининг вольт-секундлик майдони, транзисторли калитлар билан ажратилувчи вольт-секундлик майдонга тўппа-тўғри мувофиқликда бўлади. Бошқа сўз билан айтилганда, бу ҳолатда вольт-секундлик майдон ярим тўлқинли таянч сигналнинг тўла вольт-секундлик майдонининг ярмисига тенгдир. Агар T_0/T_n нисбат тоқ бўлса, унда ўтказувчанлик ва давр T_0 бўлаги ажратмасини вольт-секундлик майдонларининг мослиги мавжуд. Шундай қилиб, остонавий элементдаги вольт-секундлик майдон, тўла очик транзисторларда бўлиши мумкин бўлган вольт-секундлик майдоннинг ярмига тенг.

Шарт бўйича, T_0/T_n – бутун сон ва $u_0 = U_0 \sin \omega t$. Шундай экан, таянч частота ω нинг ярим даври, бутун сонли бир хил вақт интервалларига бўлинади, бунда улардан бири остонавий элементдаги нулли вольт-секундлик майдонига мос келса, биринчилар билан ёнма-ён бошқалари эса, остонавий элементда қандайдир вольт-секундлик майдонга эга. Биринчи вольт-секундлик майдонинг бошланиши таянч частота ω ярим тўлқининг бошланиши билан мос тушади деб ҳисоблаб, таянч частота ω нинг ярим давр интервалидаги барча вольт-секундлик майдонларнинг йиғиндисини аниқлаймиз:

$$S = \int_0^{T_0/2} U_0 \sin \omega t + \int_{T_n}^{T_n+T_n/2} U_0 \sin \omega t + \int_{2T_n}^{2T_n+T_n/2} U_0 \sin \omega t + \dots + \int_{kT_n}^{kT_n+T_n/2} U_0 \sin \omega t + \dots + \int_{\left(\frac{T_0}{2T_n}-1\right)T_n}^{\left(\frac{T_0}{2T_n}-1\right)T_n+T_n/2} U_0 \sin \omega t \quad (4)$$

Ўзгартиришларни бажариб, қуйидагига эга бўламиз

$$S = \frac{U_0}{2\omega} \left[1 - \frac{\cos(4n-1)(\omega T_n/4)}{\cos(\omega T_n/4)} \right] \quad (5)$$

аммо $\omega T_n = 2\pi \frac{T_n}{T_0} = \frac{\pi}{n}$, унда

$$S = \frac{U_0}{\omega} \quad (6)$$

$T_0/2$ вақтдаги вольт-секундлик майдонидан ўртача кучланишга ўтамиз

$$u_{cp} = \frac{2S}{T_0} = \frac{U_0}{\pi} \quad (7)$$

Ушбу вақт ичида синусоидал ярим тўлқинли тўла ўртача кучланиш

$$u'_{cp} = \frac{2}{T_0} \int_0^{T_0} U_0 \sin \omega t = \frac{2U_0}{\pi} \quad (8)$$

Нисбат $u'_{cp}/u_{cp} = \frac{2U_0}{U_0\pi} \pi = 2$ тенг.

Олинган умумий натижаларни. ҳисоблаш учун қулай бўлган кўринишга келтирамиз.

$T_n < T_0$ ҳолат учун оламиз

$$u'_{cp} = \frac{m(S^{(sup_i)} + S^{(sup_j)}) + S^{(i)}}{kT_0} \quad (9)$$


$$u'_{cp} = \frac{m(S^{(sup_i)} + S^{(sup_j)}) + S^{(sup_i)} + S^{(j)}}{kT_0} \quad (10)$$

$T_n > T_0$ ҳолатда топамиз

$$u''_{cp} = \frac{m(S^{(sup_i)} + S^{(sup_j)}) + S^{(i)} + S_0}{kT_0} \quad (11)$$

$$u''_{cp} = \frac{m(S^{(sup_i)} + S^{(sup_j)}) + S^{(sup_i)} + S^{(i)} + S_0}{kT_0} \quad (12)$$

бунда $m - [0, (T_0/2) \text{ sup}_i]$ интерваллар сони; $S^{(sup_i)} - [0, (T_0/2) \text{ sup}_i]$ интервалда S_i вольт-секундлик майдонларнинг йиғиндиси; $S^{(sup_j)} - [(T_0/2) \text{ sup}_i, (T_0/2) \text{ sup}_i]$ интервалда S_i вольт-секундлик майдонларининг йиғиндиси; $S^{(i)} - [(T_0/2) \text{ sup}_i, (T_0/2) i]$ интервалда вольт-секундлик майдонларининг йиғиндиси; $S^{(j)} - [(T_0/2) \text{ sup}_i, (T_0/2)]$ интервалда вольт-секундлик майдонларининг йиғиндиси.



б-расм. Ўртача кучланиш u_{cp} нинг кириш f_n ва таянч f_0 частоталарга боғлиқлиги

(9) – (12) ифодалар $u_{cp} = \psi(f_n, f_0)$ функцияни ҳисоблаш имконини беради. $f_0 = 50$ Гц ва $f_0 = 25$ Гц лар учун ҳисоблаш натижалари б-расмда келтирилган. Қабул қилинган чекловлар доирасида импульс-фазали қабул қилгичини математик таҳлилининг энг муҳим натижаларини ажратиб кўрсатамиз.


Импульс-фазали қабул қилгичини тадқиқотлари жараёнида, унинг халақитлардан ҳимоялаш имкониятининг янада кенгроқ хоссалари аниқланди.

Хусусан, қабул қилгич, на фақат u_c ва u_o

орасидаги фаза силжишини саралайди, балки бир қатор шарт-шароитларга риоя қилинганда самарадор полосали фильтр ҳам ҳисобланади.


Математик таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, рельс занжирлари учун яратилган импульс-фазали йўл қабул қилгичи таянч частота атрофида ётган кафолатланган частотали саралашга эга бўлиб, халақитлардан ишончли ҳимоялайди, шу сабабли, ташиш жараёнини барқарор бошқариш талабларига жавоб берадиган қурилма ҳисобланади.

Тўртинчи боб «Импульс-фазали йўл қабул қилгичларига эга рельс занжирларининг ишлашидаги халақитларга барқарорлигини ошириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш» деб номланиб, унда яратилган йўл қабул қилгичларнинг самарадорлигини экспериментал текшируви ўтказилган. Математик ҳисоблашлар натижасини текшириш учун 7-расмда берилган электрон-релели йўл қабул қилгичининг экспериментал қурилмаси йиғилган.



7-расм. Электрон-релели йўл қабул қилгичининг иш самарадорлигини аниқловчи экспериментал қурилма

ФЧА частотавий саралаш полосаси қабул қилгичининг интеграциялаш хусусиятига боғлиқ. ИВГ турдаги реле учун экспериментал фазачастотали тавсиф 8-расм, *а* да кўрсатилган. Ўлчашлар бевосита ИВГ чўлғамида бажарилган ва тўғриловчи кўприкдаги диодлардаги кучланишнинг исрофи ҳисобга олинмаган. Агар, масалан, реленинг ишлаб кетиш остонаси 2,0 В эга бўлса, унда ушбу реле учун анализаторнинг саралаш полосаси 46 дан 54 Гц гачани ташкил қилади. Бошқача айтилганда, халақитлар частотасида 46 Гц дан паст ва 54 Гц юқори бўлганда, реле ИФГ уларнинг амплитудасидан қатъий назар халақитлардан таъсирланмайди.




8-расм. Ўртача кучланишнинг таянч частотага боғлиқлиги (*а*) ва қабул қилгичининг фаза-амплитудали тавсифи (*б*)

ФЧА схемаси хавфли инкор қилишлардан шундай ҳимояланганки, бунда унинг элементлари шикастланганда, импульс-фазали қабул қилгичи импульсли ишлаш ҳолатидан «доимий уланган» ёки «доимий ўчирилган» ҳимояланиш ҳолатига ўтади. Бунинг натижасида, ИАМ ва ИФ релеларни рельс занжиридан сигнални қабул қилиб динамик ишлаши жараёнида,

контактларининг мослик ҳолатлари бузилади, ва динамик конъюкторнинг чиқишида сигнал йўқолади. Тажрибавий олинган қабул қилгичининг фаза-амплитудали намунавий тавсифи 8-расм, б да кўрсатилган. Ушбу тавсифни ДСШ релесининг шу каби тавсифидан ажратиб турувчи ўзига хос ижобий хусусияти бўлиб, фаза сезгирлик бурчагини рельс занжиридан олинган сигнал амплитудасига боғлиқ эмаслиги ҳисобланади.

Микропроцессорли йўл қабул қилгичини текшириш учун 9-расмдаги экспериментал қурилма ишлаб чиқилган. Бу йўл қабул қилгичини ишлатиш учун қувват манбаидан J3 киришга $U_3 = 24 \text{ В}$ ўзгармас кучланиш берилади. J1 киришга $U_1 = 15 \text{ В}$, J2 киришга эса 25 Гц частотали синусоидал сигналга эквивалент равишда $U_2 = 110 \text{ В}$ кучланишлар берилган. Оптронлар OP1 ва OP2 га параллел равишда рақамли осциллографлар уланган.



9-расм. Микропроцессорли йўл қабул қилгичини хато ишлашдан ҳимояланганлигини текшириш учун тажрибавий схема

имкониятининг мавжудлиги; 2) истеъмол қилинаётган қувватнинг камайиши ҳисобига ишлаб чиқилган йўл қабул қилгичининг энергия самарадорлиги қўлланилаётганларига нисбатан уч баробар юқорилиги; 3) барча элементларни контактсиз бажарилганлиги; 4) ишга тушиш сонини 10^7 гача кўпайганлиги (фойдаланишдаги ДСШ релелиларга нисбатан эллик баробар усутунликка эга); 5) ишга тушиш вақтини 10^{-6} с гача қисқарганлиги; 6) мавжуд йўл қабул қилгичларига нисбатан беш баробар арзонлиги; 7) импорт ўрнини босишлиги; 8) станция рельс занжирларида манбаланиш ўзгармас токдан импульс режимига ўтганда, унда ҳам импульс режимда ишлаш имкониятининг мавжудлиги.

Шулар билан биргаликда, микропроцессорли йўл қабул қилгичининг барқарор ва бузилмасдан ишлаши, рельс занжирлари назорат режимларининг куйидаги кўринишларида исботланди: а) рельс занжирининг ҳаракат таркибидан озодлигида; б) маҳаллий ва йўл элементларидаги кучланишнинг тушишида; в) келаётган сигналлар ўртасидаги фаза бурчакларининг силжишида ва г) келаётган сигналлар частотасининг ўзгаришида.

Санаб ўтилган афзалликлар, яратилган микропроцессорли импульс-фазали йўл қабул қилгичини, ҳозирда қўлланишга эга электр магнит ДСШ туридаги релега альтернатив равишда ишлатишга ва ташиш жараёнлари бошқаришни барқарорлаштиришга имкон беради.

Ўтказилган катор тажриба натижаларидан келиб чиқиб, микропроцессорли йўл қабул қилгичи куйидаги тавсифларга эга эканлиги тасдиқланди: 1) маҳаллий элементдан келувчи сигнал кучланиши (J2 кириш) га боғлиқ ҳолда йўл элементи сигнал кучланиши (J1 кириш) ни керакли фаза бурчакларига ортда қолишини дастурий созлаш

ХУЛОСА

Темир йўл автоматика ва телемеханика тизими рельс занжирларида импульс-фазали йўл қабул қилгичи бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Темир йўл транспорти автоматика ва телемеханика тизимлари рельс занжирларига, сигналга импульсли белгиларни ҳамда фазавий ажратиш ва частотавий саралаш хусусиятларини киритиш асосидаги, импульс-фазали усул жорий этилган. Натижада рельс занжирларининг узлуксиз ишлаш қобилиятини ошириш ва уларни турли ташқи халақит манбаларидан ҳимоялаш имконияти яратилган.

2. Халақит таъсирларнинг турли даражаларида импульс-фазали йўл қабул қилгичининг фаза ва частотавий хусусиятларини тадқиқ қилиш учун математик модел ишлаб чиқилган. Натижада унинг филтрлаш чегаравий имкониятларини ҳисоблаш, фаза назоратини амалга ошириш ҳамда частотавий филтр сифатида қўлланилишининг поездлар ҳаракати хавфсизлигига таъсирини баҳолаш имконияти олинган.

3. Йўл қабул қилгичининг фаза ва частотавий тавсифларини ҳисоблаш ҳамда частотавий саралаш принципини таъминлашини исботлаш дастурий алгоритмлари тузилган. Натижада қабул қилгичи таянч частота атрофида кафолатланган частотавий саралашга эга бўлиб, у халақитлардан ишончли ҳимоялайди ва ташиш жараёнини барқарор бошқариш талабларига жавоб берадиган рельс занжирини ишлаб чиқиш имкониятини берган.

4. Йўл қабул қилгичнинг асосий блоки сифатида ишлатиладиган фазачастотавий анализатор ишлаб чиқилган. Ушбу блокни импульс-фазали йўл қабул қилгичида қўлланилиши рельс занжирини хавфли инкор этишлардан, ёндош блок-участкалар таъсиридан, электр тортқили ва бошқа халақит манбаларидан ҳимоялаш имкониятини беради ва рельс занжирлари кўрсаткичларини баҳолашнинг аниқлигини орттиради.

5. Темир йўл станцияларидаги 25 Гц ли ўзгарувчан ток фазасезгир рельс занжирларида қўлланиладиган STM32F103 микроконтроллер базасидаги импульс-фазали йўл қабул қилгичи ишлаб чиқилган. Натижада рельс занжирлари ишлашини инкор қилиш ва унинг ишдан узилиши ҳамда кўрсаткичларининг оғишини ишончли ва ўз вақтида кузатиш орқали рельс занжирлари барқарорлигини ошириш имкониятига эришилган.

6. Микропроцессорли импульс-фазали йўл қабул қилгичини, ҳозирда қўлланишга эга электр магнит ДСШ туридаги контактли реле ўрнида, рельс занжирларининг барча режимларида барқарор ва бузилмасдан ишлаши исботланган. Яратилган қабул қилгичи темир йўл транспорти юқори тезюрар ҳаракат таркиблари хавфсизлигини таъминлаш ва уларни янги технологиялар асосида такомиллаштиришга хизмат қилади.

7. Ишлаб чиқилган станция рельс занжирлари импульс-фазали йўл қабул қилгичи «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасаруфидаги «Салар» станциясига жорий қилинган. Йўл қабул қилгич қурилмаси қўлланилишидан олинган умумий иқтисодий самарадорлик йилига 95,9 млн. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ PhD.28.06.2018.Т.73.01
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ
ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ
ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА**

РИХСИЕВ ДИЛМУРОД ХОДЖИАКБАРОВИЧ

**ИМПУЛЬСНО-ФАЗОВЫЙ ПУТЕВОЙ ПРИЁМНИК
РЕЛЬСОВОЙ ЦЕПИ СИСТЕМ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОЙ
АВТОМАТИКИ И ТЕЛЕМЕХАНИКИ**

05.08.03 – Эксплуатация железнодорожного транспорта

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №2018.4.PhD/T951.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tashiit.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Арипов Назиржон Мукарамович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Худайбергандов Кобилжон Тахирович доктор технических наук, профессор Халматов Давронбек Абдалимович кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «26» января 2019 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.28.06.2018.T.73.01 при Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта (Адрес: 100167, г Ташкент, ул. Одилхужаев, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта (регистрационный номер - ____). (Адрес: 100167, г.Ташкент ул. Одилхужаева, 1. Тел.: (99871) 299-00-01).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(протокол рассылки № «__» от «__» _____ 2019 года).

А.Э. Адилходжаев
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Я.О. Рузметов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней, к.т.н.

Н.Н. Ибрагимов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире важное место занимает контроль обеспечения безопасности высокоскоростного подвижного состава, усовершенствование управления движением железнодорожного транспорта, на основе средств и оборудования, автоматики и телемеханики элементами новых технологий. В этом отношении, в процессе обеспечения безопасности, особое внимание уделяется разработке микропроцессорных схем и приведение их в соответствии с существующими системами, исключая такие факторы, как контактные релейные элементы и схемы на их основе, в том числе, механического износа элементов обеспечивающих надежность. В разных странах мира, таких как США, Англия, Франция, Испания, Германия, Япония, Китай и в других странах, при проектировании и создании систем автоматики и телемеханики железных дорог для поездов с высокоскоростным движением, особое значение придается их устойчивости, надежности и самоконтроля, а также разработке сложных систем, дающих необходимые управляющие команды.

В мире проводятся научно-исследовательские работы, направленные на теорию автоматического управления, связанные с развитием устройств, оборудования и элементов железнодорожной автоматики и телемеханики, а также решению проблем рельсовых цепей на современном уровне. В этом направлении, в том числе совершенствование устройств путевых приемников рельсовых цепей на базе разных электронных элементов; разработка новых математических моделей по электромагнитной совместимости; новых схем по подавлению различных помех, появляющихся на железнодорожных путях; микропроцессорных систем на основе микроконтроллеров для управления и контроля, их алгоритмов управления и программного обеспечения, считается одной из важных задач. Вместе с тем, считается необходимым замена механических реле, используемых для управления и контроля подвижного состава с высокоскоростным движением, микропроцессорным импульсно-фазовым путевым приемником.

В Республике осуществляются мероприятия по развитию транспортной отрасли, в том числе развитию инфраструктуры железнодорожного транспорта, увеличению железнодорожных линий высокоскоростного движения, электрификации существующих линий. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021г. указаны задачи, такие как, «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, ...активная инвестиционная политика, направленная на решение транспортно-коммуникационных и социально-инфраструктурных проектов, ...техническое и технологическое обновления производства, ...широкое привлечение в производство энергосберегающих технологий»¹. Реализация этих проблем, в частности, по повышению помехозащищенности рельсовых це-

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

пей, разработка импульсно-фазового способа на основе цифровой обработки информации и их исполнительных элементов считается одним из необходимых задач.

